

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Генкин А.С. Планета Web-денег в XXI веке: учебное пособие. – М.: КноРус, 2008. – 576 с.
2. Кочергин Д.А. Электронные деньги: теория и анализ моделей эмиссии. – Санкт-Петербург: Изд-во С.Пб. ун-та, 2006. – 161 с.
3. Афонина С.В. Электронные деньги. – Санкт-Петербург: Питер, 2001. – 128 с.
4. Назаров В.Н. Деньги как категория финансового права. // Финансовое право. 2006. №7. – С. 15–21.
5. Шангин А.А. Электронные платежные системы в сфере розничных расчётов: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Санкт-Петербург, 2006. – 18 с.
6. Никольских О.Е. Электронные деньги: виды, значения, сущность и перспективы развития. // Кооперация и предпринимательство: состояние, проблемы и перспективы. 2019. С. 456-459.
7. Осмонбекова Г.К. Перспективы развития электронных денег как элемента национальной платежной системы. // Известия Иссик-Кульского форума бухгалтеров и аудиторов стран Центральной Азии. 2017. № 3 (18). С. 194-200.
8. Полянская Т.А. Проблемы и перспективы развития электронных денег. // Бакалавр. 2017. № 11 (24). С. 49-52.
9. Пономарева С.П. Оценка противоречий и перспектив развития электронных денег в национальной и мировой платежной системе. // Современные направления теории и практики экономического анализа, бухгалтерского учёта, финансового менеджмента. 2017. С. 154-161.
10. Саенко В.И. Перспективы развития электронных денег как условия устойчивости финансового рынка страны. // StudNet. Т.4. 2021. № 5.
11. Самарцев М.В. Электронные деньги и современные электронные платежные системы. // Наука. Технологии. Инновации. 2018. С. 45-48.



**БАНК ТИЗИМИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РЕАЛ СЕКТОРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИ
ТАЪМИНЛАШ АСОСИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСУРС БАЗАСИНИ
МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

Сулейманов Ильнур Радикович -
Тошкент молия институти

Молия-кредит кафедраси катта ўқитувчиси

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a20

Аннотация. Ушбу мақолада банк тизими ва иқтисодийнинг реал сектори интеграцияси тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш омили сифатида мамлакатимиз миллий иқтисодийда хўжалик юришининг замонавий тузилмалари ўртасида молиявий ресурсларни тўғри ва самарали бошқариш масалалари тадқиқ этилган. Банк ва реал сектор ўртасида интеграция реал сектор корхоналарининг йирик ҳажмдаги молиявий ресурсларга эга бўлган ҳолда ўз фаолиятини янада диверсификациялашга қаратилган истиқболли ривожланиш йўналишлари ўрганилган. Банклар ва иқтисодийнинг реал сектори ўртасидаги иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиш ҳолати ва тенденциялари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: интеграция, инфляция, молиявий ресурс, акциядорлик жамияти, эмитент, инвестор, реал сектор, банк тизими, рақобат, савдо айланмаси, молиявий барқарорлик, кредит, облигация, депозит, жамғарма, бирламчи ва иккиламчи бозор, пул-кредит сиёсати, фонд биржаси, хусусий мулк, корпоратив бошқарув, капитал бозори, молиявий институтлар.

**ВОПРОСЫ УКРЕПЛЕНИЯ РЕСУРСНОЙ БАЗЫ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ НА ОСНОВЕ
ИНТЕГРАЦИИ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ И РЕАЛЬНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ**

Сулейманов Ильнур Радикович -

Ташкентский финансовый институт

Кафедра Финансы-кредит старший преподаватель

Аннотация. В данной статье интеграция банковской системы и реального сектора экономики как фактор укрепления ресурсной базы коммерческих банков, вопросы правильного и эффективного управления финансовыми ресурсами среди современных структур управления экономикой в условиях народного хозяйства нашей страны. Интеграция банка и реального сектора рассматривается как перспективное направление развития, направленное на дальнейшую диверсификацию деятельности предприятий реального сектора с большими финансовыми ресурсами. Анализируются состояние развития и тенденции процессов экономической интеграции банков и реального сектора экономики.

Ключевые слова: интеграция, инфляция, финансовый ресурс, акционерное общество, эмитент, инвестор, реальный сектор, банковская система, конкуренция, товарооборот, финансовая устойчивость, кредит, облигация, депозит, сбережения, первичный и вторичный рынок, денежно-кредитная политика, фондовая биржа, частная собственность, корпоративное управление, рынок капитала, финансовые институты.

ISSUES OF STRENGTHENING THE RESOURCE BASE OF COMMERCIAL BANKS ON THE BASIS OF PROVIDING THE INTEGRATION OF THE BANKING SYSTEM AND THE REAL SECTOR OF THE ECONOMY

Suleymanov Ilnur Radikovich -

Tashkent Financial Institute

Department "Finance-credit" senior lecturer

Annotation. In this article, the integration of the banking system and the real sector of the economy as a factor in strengthening the resource base of commercial banks, the issues of proper and efficient management of financial resources among modern economic management structures in the conditions of the national economy of our country. The integration of the bank and the real sector is considered as a promising direction of development aimed at further diversification of the activities of enterprises in the real sector with large financial resources. The state of development and trends in the processes of economic integration of banks and the real sector of the economy are analyzed.

Key words: integration, inflation, financial resource, joint-stock company, issuer, investor, real sector, banking system, competition, turnover, financial stability, credit, bond, deposit, savings, primary and secondary market, monetary policy, stock exchange, private property, corporate governance, capital market, financial institutions.

Кириш. Дунёнинг ривожланган мамлакатларининг Марказий банклари, Халқаро валюта жамғармаси, Базель қўмитаси каби қатор молия ташкилотлари томонидан банкларнинг ресурс базани шакллантириш ва уни бошқариш, уларнинг ресурс базасини мустақамлаш борасида қатор устувор вазибалар белгилаб олинган.

Жаҳон банк амалиётида банк тизимининг ресурс базаси ҳозирги ижтимоий-иқтисодий вазиятни барқарорлаштириш ва ҳар бир мамлакатнинг келгуси ривожланиши тўғрисида муҳим стратегик қарорларни қабул қилиш учун зарурдир. Кўплаб банклар учун ресурсларни мустақамлаш муҳим аҳамият касб этади, чунки уларнинг манбалар таркиби ва ҳажми тўғридан-тўғри банкларнинг актив операцияларини амалга ошириш қўлами кенгайтиради ҳамда келгусида уларнинг фойда кўришлари бўйича муваффақиятли фаолият юритишининг калити бўлиб ҳисобланади. Халқаро амалиётда юзага келган банк инқирозлари пайтида банк ресурс базаси уларнинг барқарорлигини таъминлашнинг энг асосий омили ҳисобланади.

Тижорат банклари молиявий ресурслари манбалари, уларни капиталлашув даражалари, ресурс базасини самарали бошқариш ва уни мустақамлаш масалалари, уларнинг капиталлашув даражасини ошириш билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон банк-молия тизимида олиб борилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади ҳам республикамиз банкларининг ресурс базасини мустақамлашга, банкларни капиталлашув даражасини оширишга, иқтисодиётнинг реал сектори ўртасидаги интеграцион ўзаро алоқаларни кенгайтириш, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини оширишга қаратилган.

Мамлакатимизда “2020-2025 йилларга мўлжалланган республиканинг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида 6 та банкдаги давлат улушларини босқичма-босқич хусусийлаш-

тириш” назарда тутилган. Бу ислохотлар пировардида хусусий банкларнинг улушини янада ошириш ҳамда уларнинг ресурс базасини мустақамлашни талаб этмоқда. Жумладан, “2025 йилга қадар банклар устав капиталининг энг кам миқдорини 500 млрд. сўмгача етказиш масаласи” [1] ва “банк тизимини ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, депозит базасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончлигини мустақамлаш вазибалари” [2] белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги, 2018 йил 3 июлдаги ПҚ-3832-сонли “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва бошқа ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазибаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Банк тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграциясини таъминлаш асосида банкларнинг ресурс базасини мустақамлашга оид хорижий ва маҳаллий олимларнинг турли ёндашувлари устида ўтказилган таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, иқтисодий адабиётларда ресурс базасининг ягона таърифи мавжуд эмаслиги намоён бўлади.

Чуқутиашвилининг фикрича, банк тизими – ташкилий тузилма сифатидаги йирик тизим бўлиб, мамлакатнинг иқтисодий тизимида кирди. Банк тизими орқали иқтисодиётнинг реал сектори фаолиятини ривожлантириш йўналишлари таҳлили шуни кўрсатдики, реал секторда талабга жавоб берадиган инновацион маҳсулотларни шакллантиришга қодир бўлган банклар

қўшимча рақобатдош устунликларга эга бўлишади ва банк бизнесининг капиталлашувини ошириш имконига эга бўладилар[3].

Хусусан, У.Д.Ортиқов “банк ресурслари – банк сиёсати доирасида банк фаолиятини амалга ошириш учун ишлатилиши мумкин бўлган, банкнинг ўз маблағларидан ва жалб қилинган маблағларидан ташкил топган, банкнинг даромад олишга асос бўлувчи захира ва имкониятларнинг йиғиндиси” сифатида қарайди[4].

Банк ресурс базаси хусусидаги қарашларида ўз маблағларига тенглаштирилган маблағлар таркибини кенгроқ ёритиб бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Жумладан, хорижлик иқтисодчи олимлар О.И.Лаврушиннинг фикрига кўра, “тижорат банклари ресурс базасини самарали ташкил этишда асосий урғу ўз капитали ва унинг мақбул таркибий тузилишига қаратилган” [5].

Е.Ф.Жуков ва Н.Д.Эриашвилилар фикрича, “банк ресурс базаси кўп жиҳатдан банк учун даромад келтирувчи актив операцияларнинг имкониятлари ва кўлами билан белгиланади. Банк ресурсларининг барқарорлиги эса, уларнинг ҳажми ва тузилиши банкнинг ишончлилиги учун энг муҳим омил ҳисобланади. Жалб қилинган ресурсларнинг нархи банк фойдасининг ҳажмига таъсир қилади” [6].

Шунингдек, Т.М.Костеринанинг фикрига кўра, “банкнинг ресурслари - бу актив операцияларни амалга ошириш учун ишлатиладиган ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар жамланмасидир. Банкнинг ресурс базаси эса унинг кредит салоҳиятини шакллантириш учун асосдир”[7]. Шу боисдан фикримизча, банк ресурслари моҳиятини таърифлаганда нафақат уларнинг қайси манбалар ҳисобидан ташкил қилинганлигини эътиборга олиш, балки у маблағлар банкнинг мақсадли фаолияти учун зарур ва муҳимлигини ҳамда уларнинг самарадорлигига эришишни ҳам кўзда тутиш лозим.

Яна бир иқтисодчи олим Л.П.Кроливецкая “банкда ресурсларни шакллантиришга алоҳида эътибор берилади. Бунинг сабаби сифатида эса, банк ресурсларининг ҳажми, барқарорлиги, нархи, тузилиши ва бошқа хусусиятлари кредит муассасаси томонидан қандай актив операциялар амалга оширилиши ва натижада қандай молиявий натижа олиниши мумкинлигини белгиланиши келтирилган” [8], деган фикр билдирган.

Хорижлик иқтисодчи Крис Барлтроп “банкларнинг ресурс базасига ва банк капиталига «қимматли» манба сифатида таъриф берган”[9].

Республикамиз иқтисодчи олимларидан Ш. Абдуллаева ва А. Омоновлар банк ресурсларининг барқарорлиги, уларнинг ҳажми ва тузи-

лиши банкнинг ишончлилиги учун энг муҳим омил ҳисобланган банк капиталига қуйидагича таъриф беришган: «Тижорат банкларининг капитали барқарор манба бўлиб, банкнинг операция жараёнида кутилмаганда юзага келадиган зарарларни коплаш имконини берувчи ўзига хос ҳимоя воситасидир» [10].

Россиялик ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар О.И.Лаврушин, У.Ў.Азизов, Т.М.Каралиевлар фикрига кўра эса, “банк ресурслари-банкнинг ихтиёрида бўлган ўз ва жалб қилинган ресурсларининг йиғиндиси бўлиб, у актив операцияларини амалга оширишда ишлатилади. Банк ресурслари кредит ташкилотларининг баланс пасив қисмида акс этади” [11].

Иқтисодчи В.М.Усоскин банк капиталига банк молиявий ресурсларининг муҳим ва ажралмас таркибий қисми сифатида қарайди[12]. Фикримизча, муаллифлар бу ерда эътиборни банкнинг пасив операцияларига қаратган ва уни икки гуруҳга ажратган. Аслида банкнинг ресурс базасини янада кенгроқ ёритиб берилса мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ҳисоблаймиз.

Мустаҳкам ресурс базага эга бўлган банкларгина ўз ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш билан бирга, мижозларнинг ишончини янада мустаҳкамлаш имкониятига эга бўлади. Шу боис, банклар ресурс базасини мустаҳкамлашда асосий эътибор банк баланси пасивидаги маблағлар манбаларига қаратилади. Бунда, аввало банкнинг ресурс базаси таркибини ўрганиш лозим.

Адабиётлар таҳлили, амалий тадқиқотлар олиб бориш самараси ва ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, тижорат банклари капиталлашув даражасини оширишда замонавий йўналишларни, соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, хорижда ўзининг ижобий натижасини берган тажрибаларни кенгроқ қўллаш лозим. Хусусан, банкларнинг ўз маблағлари таркибидаги қўшилган капиталнинг ҳажмини ошириш орқали уларнинг капиталлашув даражасини ошириш ҳам самарали ҳисобланади. Албатта, муаллифлар томонидан берилган таърифни қўллаб-қувватлаган ҳолда, банкнинг ресурс базасига ҳам алоҳида эътибор қаратилиши лозим деб ўйлаймиз. Демак, “Банк ресурс базаси” тушунчаси бўйича маҳаллий ва хорижий олимларнинг турли ёндашувлари устида ўтказилган таҳлиллар асосида шуни таъкидлаш мумкинки, иқтисодий адабиётларда ресурс базасининг ягона таърифи мавжуд эмас, аммо олимларнинг талқинлари бир-бирига ўхшаш. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, банкларнинг ресурс базасини мустаҳкамлашнинг хориж тажрибасига эътибор берилган бўлсак, тараққий этган мамлакатлар банклари томонидан депозитлар жалб қилиш амалиёти мамлакатимиз тижорат банклари

билан солиштирганда сезиларли даражада ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

Тадқиқот методологияси. Банк тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграцияси таъминлаш асосида тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш масалалари бўйича мавжуд бўлган илмий тадқиқотларни ўрганиш, банк тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграцияси ўртасидаги узвий боғлиқликни солиштириш, статистик маълумотларни ўрганиш ва иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, илмий абстракциялаш, маълумотни гуруҳлаш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция усуллари билан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро банк амалиётида тижорат банклари капитали манбалари

турли-туман бўлиб, бозор инструментларидан самарали фойдаланади. Уларнинг тажрибаларини ижобий жиҳатлари сифатида банк капитали таркибидаги тақсимланмаган фойда, эмиссион даромад ва узоқ муддатли субординар мажбуриятларни мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида қўллаш аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тижорат банклари олдида турган асосий вазифалардан бири энг яхши халқаро тажриба асосида депозитларни ҳимоялаш тизимини изчиллик билан ривожлантириш, юридик шахсларнинг миллий валютадаги депозитларини янада ошириш, шунингдек, банкларнинг халқаро капитал бозорларига чиқиши ҳисобига банк тизимида кўшимча ресурсларни жалб қилиш ҳисобланади.

1-жадвал

Миллий валютадаги омонатлар бўйича банк фоиз ставкалари [13]


Омонат тури ва муддати	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
	фоизда					
Реал сектори корхоналари учун муддатли банк депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари	6,4	11,6	14,6	16,6	15,7	16,2
- 30 кунгача	2,6	9,8	•	15,5	15,0	17,5
- 31 дан 90 кунгача	4,4	11,7	9,5	15,4	15,6	13,1
- 91 дан 180 кунгача	6,8	10,2	13,7	15,6	17,0	11,9
- 181 кундан 365 кунгача	6,5	11,1	14,5	16,8	16,0	15,5
- 1 йилдан ортиқ	6,0	12,1	14,9	16,6	15,0	16,4

Мазкур жадвал маълумотлари асосида амалга оширилган таҳлил натижаларига кўра, республикамиз тижорат банкларининг корхоналар муддатли депозитларига тўланаётган фоиз ставкалари 2017-2022 йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бу эса, корхоналарнинг вақтинчалик бўш пул маблағларини муддатли депозит ҳисоб-рақамларига жалб этиш жараёнига ижобий таъсир қилади. Шу сабабли бизнинг фикримизча, тижорат банклари муддатли депозитларга тўланадиган фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаши лозим. Тижорат банкларининг депозит операциялари асосий фаолият йўналишларидан бири бўлиб, депозит операцияларини амалга оширмасдан банклар ўзларининг фойда олиш мақсадида амалга оширадиган актив операцияларини бажаришлари мумкин эмас, банкларнинг бош мақсади бўлган фойда олишга эришиш истиқболларини белгиловчи, яъни даромад келтирувчи актив амалларни бажариш билан боғлиқ фаолиятларида жалб қилинган ва жамғарилган маблағлар ёки депозитлар муҳим ўрин тутаяди.

Мамлакатимиз ҳукумати томонидан чиқарилаётган банк тизимида тегишли фармон ва қарорлар реал сектори корхоналарининг банк тизимида бўлган ишончини янада мустаҳкам-

лашда ва банк ресурсларини ошишида муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Бунинг натижасида, банклар томонидан жалб қилинган жами депозитлар ҳажми йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Яъни реал сектори корхоналарининг тижорат банкларидаги депозитлари умумий ҳажми 2019 йилга нисбатан 20,7 фоизга ортиб, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, 114747 млрд. сўмга етди. Тижорат банклари олдида турган асосий вазифалардан бири банк ресурслари таркибида барқарор ҳисобланган жамғарма ва муддатли депозитлар ҳажминини ошириб бориши ва уларни имкон қадар узоқ муддатга жалб қилишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Мамлакатимиз тижорат банклари депозитларининг ЯИМга нисбати 2019 йилда 17,8 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилгача эса 25-27 фоизга етказиш белги-ланган[14].

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миқозларга кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини тубдан яхшилаш, хусусан, омонатларнинг янги ва миқозлар талабларига мос жозибадор турларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратишлари банк тизимида тегишли қатор фармон ва қарорларда ўз ифодасини топган.




1-расм. Реал сектор корхоналарининг депозитлари миқдори (млрд. сўм) [15]

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги мажбурий захира сиёсатида тижорат банклари томонидан жалб қилинган юридик шахсларнинг 1 йилдан 2 йилгача муддатга жалб қилинган миллий валютадаги муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан 2 % даражасида, уларнинг миллий валютадаги талаб қилиб олинган депозитларига нисбатан 4 % даражасида мажбурий захира ставкаси белгиланган. Бундай шароитда талаб қилиб олинган депозитларга нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкасининг 2,0 фоизли пунктга оширилиши банкларни муддатли ва жамғарма депозит ҳисобарқамларига маблағлар жалб қилишга бўлган қизиқишини кучайтиради.

Тижорат банклари ресурс базасини мустақамлашда муддатли депозитларнинг салмоғини ошириб бориш орқали барқарор ресурс базасини кўпайтириши, реал сектор корхоналари учун муддатли банк депозитлари бўйича хўжалик юритувчи субъектлар талабларини ҳисобга олган ҳолда депозитларнинг янги жозибадор турларини мунтазам равишда жорий қилиб бориш, тижорат банкларида реал сектори корхо-

налари учун муддатли банк депозитлари бўйича жамғарма ва муддатли депозитларни қабул қилиш ва муддатида қайтариш шароитларини янада қулайлаштириш ҳамда узоқ муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини чиқариш ва ҳажмини кўпайтириб бориш, депозит операциялари бўйича хориж тажрибасини чуқур ўрганиш ва ижобий томонларини мамлакатимиз банк тизимида қўллаш ўзининг ижобий натижасини беради. Қимматли қоғозларни чиқариш орқали ҳам реал сектори корхоналарига тижорат банкларининг катта молиявий қўйилmalarини киритиш имконини беради [16].

Банк ва реал сектор ўртасида интеграция реал сектор корхоналарининг йирик ҳажмдаги молиявий ресурсларига эга бўлган ҳолда ўз фаолиятини янада диверсификациялашга қаратилган истиқболли ривожланиш йўналишларини доимий равишда амалга ошириб боради. Шу боисдан, замонавий банк ва реал сектор ўртасида интеграция халқаро савдо айланмасида салмоқли ўринни эгаллаган ҳолда уларнинг савдо айланмаси дунёнинг кўплаб мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти ҳажмидан ошиб кетади.



2-расм. Реал сектор корхоналари учун муддатли банк депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари [17]

2-расм маълумотларидан хулоса қилиш мумкинки, 2017 йилда реал сектор корхоналари учун муддатли банк депозитлари бўйича ўртача фоиз ставкалари 6,4 фоиздан, 2022 йилга 16,2 фоизга кўтарилганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, 2022 йил 17 мартда Марказий банк асосий ставкани 3 фоиз бандга ошириб, йиллик 17 фоизгача кўтариш тўғрисида қарор қабул қилди ва бу жараён 2022 йилнинг 9 июнига қадар сақлаб турилди. Қисқа фурсат давомида, яъни 2022 йил 10 июнидан бошлаб 16 фоизга тушганлиги ҳам ўз вақтида муҳим иқтисодий чораларнинг қўлланилиши, иқтисодий тархлар барқарорлигини таъминлаш учун зарур бўл-

ган пул-кредит сиёсати шароитларининг яхши томонга ўзгараётганлигидан далолат беради.

Регулятор 2020 йил 10 сентябрдан бери асосий ставкани 14 фоиз даражасида ушлаб турган эди. Марказий банк асосий ставкани девальвацион ва инфляцион кутилмалар ўсишининг олдини олиш, миллий валютада жамғариш фаоллигини сақлаб қолиш ҳамда ташқи хатарларнинг иқтисодий таъсирини юмшатиш орқали мамлакатда макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Марказий банк иқтисодий қўллаб-қувватлаш учун ягона чора сифатида белгилади.

2-жадвал

Реал сектор тармоқлари орқали тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш [18]

№	Банклар номи	2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил	
		ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши	ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши	ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши	ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши	ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши
Σ	ЖАМИ	59 579	100%	70 001	100%	91 009	100%	114 747	100%	148 350	100%
1.	Ўзмилийбанк	11 636	19,5%	11 741	16,8%	15 284	16,8%	17 194	15,0%	21 480	14,5%
2.	Ўзсаноатқурилишбанк	3 297	5,5%	4 833	6,9%	9 004	9,9%	11 437	10,0%	12 815	8,6%
3.	Асака банк	8 253	13,9%	6 770	9,7%	8 099	8,9%	9 705	8,5%	9 544	6,4%
4.	Ипотека банк	5 506	9,2%	6 759	9,7%	7 787	8,6%	9 499	8,3%	13 066	8,8%
5.	Агробанк	1 795	3,0%	2 651	3,8%	5 454	6,0%	9 037	7,9%	11 102	7,5%
6.	Қишлоқ қурилиш банк	1 297	2,2%	2 818	4,0%	2 932	3,2%	3 777	3,3%	6 622	4,5%
7.	Халқ банк	3 613	6,1%	4 739	6,8%	7 563	8,3%	10 174	8,9%	11 384	7,7%
8.	Алоқа банк	1 940	3,3%	3 496	5,0%	4 864	5,3%	4 924	4,3%	6 720	4,5%
9.	Турон банк	904	1,5%	1 190	1,7%	1 653	1,8%	2 116	1,8%	2 524	1,7%
10.	Микрокредит банк	1 022	1,7%	1 230	1,8%	1 392	1,5%	2 383	2,1%	3 243	2,2%
11.	Ҳамкорбанк	3 287	5,5%	3 392	4,8%	3 260	3,6%	3 527	3,1%	4 312	2,9%
12.	Капитал банк	2 842	4,8%	3 837	5,5%	4 497	4,9%	6 052	5,3%	11 754	7,9%
13.	Ипак йўли банк	1 717	2,9%	1 838	2,6%	2 036	2,2%	2 932	2,6%	3 706	2,5%
14.	Ориент Финанс банк	2 255	3,8%	2 360	3,4%	2 734	3,0%	2 660	2,3%	3 086	2,1%
15.	Трастбанк	1 482	2,5%	2 350	3,4%	2 652	2,9%	3 144	2,7%	5 456	3,7%
	Бошқа банклар	8732	14,6	9997	14,1	11783	13,1	16184	16,6	21 292	16,6

Банкларнинг ресурс базаси 2018 йилга нисбатан 89 трлн. сўмга ёки 40,1 фоиз пунктгага ўсди. Хусусан, банк тизими ресурслари таркибида миллий валютадаги узоқ муддатли депозитлар ҳажми 1,8 баробарга ортди. Муаммоли кредитлар улуши 2021 йил якунида 5,2 фоиз (16,9 трлн. сўм)ни ташкил этди. Натижада, кредитларнинг қайтувчанлик даражаси 2021 йилда 59 фоиздан 71 фоизгача ошди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сотиб олинган жами валюта ҳажми 2020 йилга нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 21,5 млрд. долларни, сотилган валюта ҳажми эса 17 баробарга ошиб, 11,0 млрд. долларни ташкил қилди [19].

Тижорат банкларида ресурс базасини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашда маблағларни жалб этиш манбалари ва валютасини диверсификациялаш масаласи банк фаолиятининг молиявий барқарорлигини таъминлашга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки монетар сиёсати трансмиссион механизмнинг фоиз канали фаолияти самарадорлигига

бевосита таъсир этувчи омилардан бир эканлиги жамланма баланс таркибидаги ресурс манбалари динамикасини таҳлил этишни тақозо этади [20]. Бунинг қўйида келтирилган маълумотлар асосида таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз (3-жадвал).

3-жадвалда Ўзбекистон 2018-2022 йиллар 1 январь ҳолати бўйича тижорат банкларининг капитали тўғрисидаги маълумотлар келтирилган. Банк капитали ҳажмининг хусусиятли жиҳати шундаки, таҳлил қилинаётган давр мобайнида унинг ҳажми ўсиб бориш тенденциясига эга бўлган. Масалан, банкларнинг хусусий капитали кейинги беш йилда, яъни 2022 йилда 2018 йилдаги ҳажмига нисбатан 2,5 мартага ортган. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки бу кўрсаткич чегара эмас, чунки мамлакатда ЯИМнинг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажмининг ортишига, бу эса ўз навбатида, уларнинг капиталлашув даражасини оширишни талаб этади.

Тижорат банкларининг капитали тўғрисидаги маълумот [21]

№	Банкларнинг номи	2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил	
		ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши, %да	ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши, %да	ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши, %да	ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши, %да	ҳажми, сўмда	жамига нисбатан улуши, %да
	Жами	20 676	100	26 679	100	51 031	100	58 351	100	71 832	100
1	Ўзмилийбанк	4 807	23,2	5 722	21,4	13 141	25,8	13 873	23,8	14 800	20,8
2	Ўзсаноат қурилишбанк	2 241	10,8	2 848	10,7	6 247	12,2	6 704	11,5	7 467	10,4
3	Асака банк	3 083	14,9	3 168	11,9	6 128	12,0	6 426	11,0	6 228	8,7
4	Ипотека банк	1 258	6,1	1 611	6,0	3 730	7,3	4 274	7,3	5 281	7,4
5	Агробанк	1 374	6,6	2 214	8,3	4 627	9,1	5 371	9,2	8 982	12,5
6	Қишлоқ қурилишбанк	1 168	5,7	1 235	4,6	1 446	2,8	2 414	4,1	2 641	3,7
7	Халқ банк	1 351	6,5	1 803	6,8	4 361	8,5	4 869	8,3	5 510	7,7
8	Алоқа банк	398	1,9	1 162	4,4	1 396	2,7	1 569	2,7	1 697	2,4
9	Турон банк	369	1,8	892	3,3	1 091	2,1	1 210	2,1	1 856	2,6
10	Микрокредит банк	546	2,6	665	2,5	1 625	3,2	1 738	3,0	3 635	5,1
11	Ҳамкорбанк	573	2,8	763	2,9	1 138	2,2	1 478	2,5	1 919	2,7
12	Капитал банк	339	1,6	489	1,8	653	1,3	867	1,5	1 635	2,3
13	Ипак йўли банк	366	1,8	513	1,9	728	1,4	1 191	2,0	1 581	2,2
14	Ориент Финанс банк	474	2,3	649	2,4	878	1,7	1 125	1,9	1 353	1,9
15	Трастбанк	220	1,1	318	1,2	518	1,0	628	1,1	1 222	1,7
	Бошқа банклар	2 109	10,2	2 627	9,8	3 208	6,3	4 615	7,9	5 796	8,1

Бунинг натижасида банк капитали барқарорлигига эришиш мумкин.

2022 йил 1 март ҳолатига кўра, республика миқдорида банк тизими активлари 436,8 трлн. сўм (2021 йил 1 март ҳолатига нисбатан ўсиш - 19,3 %), мажбуриятлари 365 трлн. сўм (ўсиш 19 %), кредитлари 327,2 трлн. сўм (ўсиш 16,8 %) ҳамда депозитлари 148,4 трлн. сўмни (ўсиш 31,2 %) ташкил этди [22].

Хусусан, «Ўзмилийбанк» АЖнинг 2022 йил 1 январь ҳолатига активлари 89,9 триллион сўмни, кредит портфели 74,0 триллион сўмни, ўз капитали 14,8 триллион сўмни, жалб қилинган депозитлари 22,1 триллион сўмни ташкил этди [23].

Хулоса ва таклифлар. Халқаро ва маҳаллий банк амалиётидан маълумки, тижорат банкларининг тўловга қобиллиги ва молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи воситаси доимий равишда уларнинг капиталлашув даражасини ошириб бориш ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг капитал базасини мустаҳкамлаш улар капиталини самарали бошқариш, ҳажмини ошириш ва замонавий йўллари жорий этган ҳолда амалга оширилади. Банк тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграцияси тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш омили сифатида таъсир этувчи макроиқтисодий омиллар таҳлили асосида куйидаги хулосаларни қайд этиш мумкин:

- Ўзбекистон Республикаси банкларининг ресурс базаси таркибида банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар улуши паст даража-

да қолмоқда. Тараққий этган мамлакатлар банклари ресурс базасининг катта улуши депозитлардан сўнг чиқарилган қимматли қоғозлар ҳисобига тўғри келади. Мамлакатимизда тижорат банклари томонидан ресурсларни жалб қилишда қимматли қоғозлар билан операцияларнинг умуман бажарилмаслиги банкларнинг барқарор ресурс базаси заифлашиб бораётганлигидан далолат беради;

- тижорат банкларида депозит сиёсатини ишлаб чиқишда узоқ муддатли стратегик мўлжалнинг мавжуд эмаслиги оқибатида омонатларни жалб этиш бўйича устуворликларнинг ўзгаришига олиб келган. Бу, бир томондан, банк фаолияти ва уни тартибга солиш тизимида юз бераётган трансформацион жараёнларга мослашиш нуқтаи назаридан ижобий ҳисобланса-да, иккинчи томондан, миқдорларнинг банклар депозит сиёсатига нисбатан ишончсизлик даражасини оширувчи омил эканлигини эътироф этиш зарур;

- тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларга бўлган талаб жуда юқори, шу билан бирга, банкдан ташқари айламаларни зарур даражада камайтириш масаласи долзарб вазифалардан бири бўлиб турибди, шуларни ҳисобга олиб банкларнинг узоқ муддатли ипотека қимматли қоғозларини муомалага чиқариш лозим;

- тижорат банклари асосий капитали таркибида махсус захиранинг юқорилиги ва жами активлар таркибида рискка тортилган активлар улушининг пастлиги регулятив капитал ва асо-

сий капитал бўйича қўйилган талабларни юқори даражада бажариш имкониятини бермоқда;

- тижорат банклари ресурс базасида ички ва ташқи манбалардан жалб этилган қарз маблағлари ҳажмининг ошириб бориши, шунингдек, миллий валютанинг девальвацияси шароитида банклар депозит портфели таркибида хорижий валюталарда шакллантирилган омонатлар ҳажми ошиб бормоқда;

- тижорат банклари капитали барқарорлигини оширишда эмиссион даромад ва тақсимланмаган фойда муҳим ўрин тутади. Шу боис

мамлакатимиз тижорат банклари ушбу манбаларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Юқорида билдирилган хулосалар ҳамда таклиф ва тавсиялар тижорат банклари капиталлашуви жараёнларига, пировард натижада банк тизими ва иқтисодиётнинг реал сектори интеграцияси тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш омили сифатида улар фаолиятининг самарадорлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги ПФ-5992-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. - Т., 2017. № 6 (766). - 32-б.
3. Чхутиашвили Л.В. Банковские продукты: виды, технология создания, способы внедрения. //Финансовая аналитика: проблемы и решения. - М.: КРОНУС. 2010. №2.
4. Ортиқов У.Д. Банк ресурслари ва уларни бошқариш. Иқтисод фанлари номзоди ил. дар. олиш учун тақдим этилган дис. автореферати. -Т., 2008. 7-б.
5. Лаврушин О.И. Роль кредита и модернизация деятельности банков в сфере кредитования. -Монография. /Коллектив авторов. -М.: КНОРУС, 2012-ст. 117-118.
6. Жуков Е.Ф., Эриашвили Н.Д. Банковское дело: учебник. //Финансы и кредит. - 4-е изд., перераб. и доп. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2018. ст. 163-164
7. Костерина. Т.М. Банковское дело: учебник для СПО/- 3-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2019 г. - с. 332
8. Кроливецкой. Л.П. Деньги, кредит, банки: Учебник. /Коллектив авторов. - М.: КРОНУС, 2019. - 414 с.
9. Крис Дж. Барлтроп и Диана МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся рынках. -Вашингтон, С.102.
10. Абдуллаева Ш., Омонов А.Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш. -Т.: Иқтисод - Молия, 2006. 120 б.
11. Лаврушин О.И., Азизов У.У., Каралиев Т.М. Банковское дело. /Под редакции О.И. Лаврушина -М.: КРУНОС. 2019. с. 224.
12. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. -М.: Вазар-Ферро,1994. С.92.
13. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
14. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
15. Sultonov, Sherali, Et Al. "Development ways of stock market in uzbekistan (in the case of "tashkent" republican stock exchange)." journal of critical reviews 7.11 (2020): 1476-1482.
16. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
17. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
18. https://cbu.uz/oz/press_center/reports/637717/.
19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Монетар сиёсатнинг 2019 йил ва 2020-2021 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари. (<http://www.cbu.uz/uzc/monetarnaya-politika/>).
20. <http://www.cbu.uz/uzc/statistics/bankstats/> маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.
21. <https://review.uz/oz/post/opredelen-naibolee-aktivne-banki-uzbekistana-v-i-kvartale-2022-goda>.
22. <https://daryo.uz/k/2022/06/03/aksiyadorlarning-navbatdagi-umumiy-yig%CA%BBilishida-CA%BBzmilliybankajning-2021-yildagi-faoliyati-yakunlari-muhokama-qilindi/>



ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Юлдашева Севара Шухрат қизи -
ТДИУ "Банк иши ва инвестициялар"
кафедраси 1-босқич докторанти (PhD)

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a21

Аннотация: ушбу мақолада Ўзбекистон банк тизимида фаолит қирсатаётган тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишда мижозларга кўрсатаётган хизматлар қўламини кенгайтириш, янги банк хизматларини жорий этиш лозимлиги ва бу борада тижорат банкларининг рақобатбардош бўла олиш қобилияти билан юқори самарадорликка эришиш масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: трансформация, рақобатбардошлик, тижорат банки, рақобат, стратегия, банк маҳсулоти, банк хизматлари.